




2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

Янги Ўзбекистонда - янги ислохотлар



## ОДАМЛАРИ ХАЁТДАН РОЗИ ЮРТ

Аввало шунни таъкидлаш керакки, халқ ишончини тиклаш йўлида улкан қадамлар Шавкат Мирзиёев Президент сифатида фаолият бошлаган дастлабки кунларданок ташланди. Бахтли ва фаровон яшаш умиди билан яшаётган халқнинг бу истакларини рўёбга чиқариш йўлида давлат раҳбари саккиз йилдирки, тиним билгани йўқ.



## 4 ХАЁТ ВА ЗАВҚ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

2



Сув – ер юзидаги барча тирик организмлар учун энг зарур ресурслардан биридир. У нафақат инсон ҳаёти, балки қишлоқ хўжалиги, саноат, экотизимлар ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун ҳам асосий манба ҳисобланади. Бугунги кунда дунё аҳолисининг кўпайиши, иқлим ўзгариши ва саноатнинг ривожланиши сувга бўлган талабни кескин оширмоқда.

Сўнгги йилларда кўнгилни хира қиладиган, жамият ривожига соя соладиган оилавий ажримлар кўпайиб бораётганлиги барчамизни ташвишга солмоқда. Аксарият ёшлар никоҳга энгил-елпи қараши оқибатида фарзанлар етим бўлиб қолмоқда. Қуда-андалар ўргасидаги ришталарга путур етмоқда. Ажримлар кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Биз фақат унинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида тўхталишни лозим топдик.

5



## НИКОҲДАН АЖРАЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ



# Одамлари ҳаётдан рози юрт

(Боши 1-саҳифада)

Халқни рози қилишдек улғвор мақсадларни ўз ичига олган Ҳаракатлар ва Тараққиёт стратегиялари кабинетда ўтириб эмас, балки мамлакатнинг энг чекка ҳудудларигача оддий халқ вакиллари, турли касб эгалари билан бевосита мулоқотда бўлиб, уларнинг ютуқ ва камчиликлари, юрагини ўртаб турган мавжуд муаммолари билан чуқур танишиб, одамларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаб яратилди. Шунинг учун ҳар иккаласи ҳам халқ дастури бўлди, десак тўғри бўлади. Яъни, халқимиз Ҳаракатлар ва Тараққиёт стратегиясининг ҳақиқий ижодкори, ҳаммуаллифи бўлди, уларни яратишда бевосита иштирок этди!

Халқ билан ҳамфикр, ҳамнафас яратилган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган чора-тадбирлар муваффақиятли бажарилди. Тараққиёт стратегиясида назарда тутилган вазифалар ҳам изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу эса юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида оламшумул иш бўлди ва халқнинг дунёқарашини, тафаккурини ўзгартириб, давлатга бўлган ишончини қайта тиклади, Янги Ўзбекистон, жумладан, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш жараёнида давлат бошқарув тизими ва халқимизни бир-бирига яқинлаштирди.

Президентнинг қўли ҳамиша халқ юрагининг пульсида бўлиб, унинг мақсадини, орзу муддаоларини теран англаб “ёпиқ жамият” сиёсатини бекор қилди ва мамлакатимизни дунёга, дунёни эса бизга очиб берди. Халқ учун ўз фикрини очиқ ва эркин намён қилиш имконияти яратилди. Жаҳоннинг барча давлатлари, айниқса, қўшнилари билан муносабатларимиз-

ни ижобий томонга ўзгартирди. Бу воқеалар халқимизнинг 151 йил мобайнида давлатдан кўрқиб яшаган, ҳамма нарсадан ҳадиксирайдиган онги ва руҳига жуда катта ижобий таъсир қилди...

Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда йил давомида одамлар билан тўсиқларсиз тўғридан-тўғри доимий мулоқотни амалга ошириш тизимини яратди. Бунинг учун Президентнинг Халқ қабулхоналари ташкил этилди, раҳбарлар ҳудудларда аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўткази бошлади.

Барча бўғинлардаги раҳбарларнинг фаолияти улар одамлар ташвишларини қай даражада ҳал қилишига боғлиқ бўлган муҳит яратилди. Ҳамма идора ва ташкилотларда Фуқаролар қабулхоналари ташкил этилди. Давлат хизматлари агентлиги тузилди ва бу йўл билан битта ҳужжат олиш учун аҳолининг қатор идораларда сарсон бўлиб юришдек беъмани ҳолатга барҳам берилди. 10-15 идорадан ойлаб овора бўлиб йиғадиган ҳужжатларимизни шу битта ташкилотдан оладиган бўлдик. Одамлар арзини айтгани идораларга эмас, амалдорлар аҳоли дардини эшитиш учун улар олдига борадиган бўлди. Бу раҳбарлар ва халқнинг онгини кескин ўзгартирди. Амал эгалари, аслида, халқнинг хизматкори бўлиши кераклигини тушуна бошлади.

Халқ ҳаётини яхшилаш, фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг эртага эмас, балки бугундан рози бўлишига эришиш амалдаги ислохотларнинг бош мақсадига айланган. Энг аввало, бандлик, ижтимоий соҳалар, айниқса, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, табиий газ ва электр энергияси, ичимлик суви таъминоти, коммунал хизмат,

йўл қурилиши соҳаларида мавжуд, одамларни қийнаётган масалалар изчиллик асосида бартараф этилмоқда.

Охирги йилларда Янги Ўзбекистонимизда бўлгани каби Сурхон воҳасида ҳам бир қатор ютуқларга эришилди. Сўнгги 2 йилда Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги амалий чоралар натижасида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми – 106,1, саноат ишлаб чиқариш – 111,0, қурилиш ишлари – 108,5, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми – 103,8 ва хизматлар ҳажми – 117,9 фоизга ошди. Янги иш ўринларини яратиш, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш масалаларига ҳам эътибор берилиб, 8 мингга яқин тадбиркорлик ташкил этилди ва ишсизлик даражаси 7,4 дан 6,1 фоизга қисқартирилди.

Президент Шавкат Мирзиёев иқтисодий тараққиётнинг асоси сифатида “халқ бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади”, шиорини таклиф этди. Тан олиш керакки, мазкур ғояни олдинга суриш ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда инқилобий характерга эга бўлди. Жумладан, тадбиркорликка кенг йўл очилди. Одамлар ҳаракат қилса, кутган натижасига эриша бошлади. Натижада асрлар давомида ишбилармонлик даражасининг ўта юқорилиги билан дунёни ҳайратга солиб келган ўзбек халқининг ўтган даврда деярли йўқ қилинган салоҳияти яна қайта тиклана бошланди.

Юртимизда тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва улар ҳуқуқини химоя қилишнинг бутунлай янги ва замонавий талабларга жавоб берадиган механизми яратилди. Янги қонунлар ва тартиблар ишлаб чиқилди, мавжудларига тегишли

ўзгартиришлар киритилди. Тадбиркорликни бошлаш учун рухсатнома олиш тизими соддалаштирилди, унинг кўп турларига лицензия олиш умуман бекор қилинди. Тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари тўхтатилди. Хуллас, янги иқтисодий сиёсат туфайли юз минглаб аҳоли тадбиркорга айланди. Бу эса халқ турмуш фаровонлигини ошириш ва камбағалликни қисқартиришга улкан ҳисса қўшди.

Яқин ўтмишда аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш масаласи ўз холига ташлаб қўйилган эди. Натижада минг-минглаб уй-жойсиз оилалар пайдо бўлди. Сурхондарёда ҳам бу муаммони ижобий ҳал қилиш учун аҳолига арзон ва сифатли уй-жой қуришга жуда катта эътибор қаратиляпти. 2017–2025 йилларда вилоятимизда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 165 та янги кўп қаватли уй-жойлар фойдаланишга топширилди...

Зеро, Янги Ўзбекистонда халқни рози қилиш барча раҳбарларнинг энг устувор вазифаси, халқнинг ишончини, меҳрини қозониш эса инсон учун энг олий саодат ҳисобланади. Янги давлатни қуриш барчамизнинг ишимизга айланмоғи лозим. Бу улғ мақсадга эришиш учун ҳаммамизнинг биргаликда ҳаракат қилишимиз тақозо этилади. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилсак, Янги Ўзбекистонни албатта бунёд этамиз!”

**Дилбар СУВОНОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати аъзоси





# «САМАРҚАНД»

## Париж кўчаларидан бирига шундай ном берилди

**Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Францияга ташрифи мобайнида Париж кўчаларидан бирига «Самарқанд» номи берилиши айтилди. Бу юртимизга, шу жумладан, тарихий шахримиз Самарқанд нуфузига берилган юксак баҳодир.**

Соҳибқирон Амир Темур афсонавий Самарқандни пойтахт этиб танлагани бежиз эмас. Кўҳна ва навқирон Самарқанд тупроғи сир-синоатларга тўла. Бу синоатларнинг ўндан, балки юздан бир фоизигина бизга маълумдир. Самарқанд тарихи ва бугуни эртақ ва афсоналарга тўғридан-тўғри “улашиб” кетгандек. Бугун ҳам ўша эртақ ва афсоналарни ўз кўзингиз билан кўриш, ҳатто уларда бевосита “қатнашингиз” мумкин...

Самарқандни азалдан «ер юзининг сайқали», унинг чехраси, «нур таратиб тургувчи нуқтаси», «мусулмон дунёсининг гавҳари», «Шарқнинг жаннати» деб улуғлашади.

Қадим шаҳарнинг мўъжизаларини санаб адоғига этиб бўлмайди. Бу мўъжизаларни энг замонавий фан ютуқлари воситасида “илмий” изоҳлашнинг имкони йўқ. Мўъжизаларни ҳис этиш, улардан баҳраманд бўлиш ва чексиз хайратланиш мумкин, холос. Масалан, “Ер юзининг сайқали” деган юксак таърифга бошқа шаҳар наҳотки эриша олмаса? Йўқ. Узоқ тарих давомида ер юзида Самарқанддан ўзга бирорта шаҳар бундай шарафли таърифга лойик бўлмаган ва бундан кейин ҳам эриша олмайди.

Самарқанд атрофи текис кенгликлардан иборат, аммо шаҳар ёнида Чўпонота тепаликлари қандай бино бўлган? Атрофда қир-адирлар йўқ-ку? Афсонада айтилишича, Чўпонота тепалиги тагида ер ости шаҳри бор, унда беҳисоб бойликлар, улкан қасрлар мавжуд эмиш...

Бу табаррук заминда этишиб чиққан ва шу ерда мангу ором топган авлиё ҳамда алломаларнинг саноғига этиб бўлмайди. Абу Тохирхўжанинг “Самария” номли китобида шунчалик кўп авлиёлар, алломалар ва табаррук зиёратгоҳлар ҳақида (мухтасар) маълумотлар борки, бундан воқиф бўлгач, ушбу заминнинг ҳар қаричи олтинга баробар эканлиги аён бўлади. Бир-икки нафар танлик фуқаросини зўр бериб дунёга кўз-кўз қилаётган, ҳатто бирорта

машҳур шахс этишиб чиқмаган давлатлар ва миллатлар ер юзида жуда кўп. Яратганнинг беҳад марҳаматини қарангки, бу борада бизда айнан тескари манзара намоён. Айтишларича, Самарқанддан этишиб чиққан алломаларнинг рўйхати 50 жилд китобга сиғмаган экан.

Бундан қарийб 2400 йил аввал Самарқандни забт этган жаҳонгир Искандар Зулқарнайн шундай деган экан: «Мен Самарқанд таърифини жуда кўп эшитган эдим, лекин ўз кўзим билан кўриб турган бу шаҳар ҳеч қандай таърифга сиғмас даражада гўзал экан».

Ярим дунёни кезиб, не-не юртларни кўрган, маъмур шаҳарларни забт этган жаҳонгирнинг хайратли сўзлари эди бу!

Самарқанд заминда одамлар жуда қадим замонлар, яъни “инсоният тонги”дан бери яшаб келишади. Ўтмишда Дамашк, Бағдод, Рим ва бошқа кўҳна шаҳарлар гуллаб-яшнаган пайтда, Самарқанд ҳам улардан асло қолишмаган. Ўша замонларда Самарқандда акведук (сув қувурлари, “водопровод”) ва ташноб (каналзация тизими) мавжуд бўлган. Кўҳна Афросиёб шахристонида топилган деворий рангли суратлар сири ҳануз тўлиқ очилмаган...

Самарқанд тақдирига жуда қадим замонларданоқ пойтахт бўлиш шарафи битилган. Аҳмонийлар даврида Самарқанд Сўғдиёна мамлакатининг пойтахти эди. IX-X асрларда Сомонийлар давлатининг биринчи пойтахти, XI-XIII асрларда ғарбий Қорахонийлар давлатининг бошкенти бўлган. Хоразмшоҳ Аълоуддин Муҳаммад ўз давлати пойтахтини Урганчдан Самарқандга кўчиришни орзу қилган.

Амир Темур даврида Самарқанд ўз тарихидаги энг улуғвор ва шонли йилларни бошдан кечирди. Дунёнинг сиёсий, маданий ва иқтисодий марказига айланган. Масалан, Испания-Кастилия элчиси Руи Гонзалес де Клавихо ўзининг “Кундалиги”да, Самарқанд бозорида дунёнинг турли бурчакларидан келган, турли тил-

ларда сўзлашувчи савдогарларни ва улар келтирган хорижий молларни кўплаб учратганлигини ёзади. Шу асардаги маълумотлардан Самарқанднинг Осиё савдосида улкан мол омбори бўлиб қолганини фахмлаш қийин эмас. У Самарқандда бўлган йили, фақат июнь ойининг ўзида Хитойдан 800 туя мол олиб келинган экан. Табиийки, саккиз юз туяда қанчалаб савдогарлар, илм толиблари ва хунармандлар ҳам келган.

Бу даврда шаҳар, таъбир жоиз бўлса, жаннатнинг ердаги тимсолига айланган. Кўксарой ва Бўстонсарой қасрлари, маҳобатли Бибиҳоним масжиди ва бошқа обидаларнинг ўша пайтлар дунёда ўхшаши бўлмаган. Икки четида савдо дўконлари тартиб билан қурилган, усти эса гумбазлар силсиласи билан ёпилган кенг кўча шаҳарни бошидан охиригача кесиб ўтган. Бу савдо расталари бугунги ярмарка ёки “гипермаркет”ларга, савдогар ҳамда хунармандлар сайли эса савдо-саноат кўрғазмаларига ўхшайди. Айниқса, гавжум издиҳомлар чоғида мохир пазандалар тайёрлаган таомларнинг саноғига этиб бўлмаган. Буни бугунги тушунчада, ўзига хос “гастрономик туризм”га қиёслаш мумкин. Элчи Клавихонинг кундаликларида бу ҳақда батафсил қайдлар мавжуд. Клавихо ёзадики, “Бу ернинг бойлиги фақат озик-овқатнинг мўллиги билан эмас, балки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари: ипак матолар, кимхоб, ҳар хил ип ва жўн тўқима моллар, мўйнали ва ипакли пўстинликлар, атторлик моллари, зиравор ва дориворлар, зарҳал ва ложуварлар ҳамда молларнинг сероблиги билан эътиборлидир”.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг меҳр-муҳаббатга тўла куйидаги сатрлари шаҳарнинг ўтмиши ва бугунги кунига бирдек тааллуқли, дейиш мумкин: “Самарқанд шаҳри ажаб ораста шаҳридур, бу шаҳарда бир хусусият борким, ўзга кам шаҳарда андоғ бўлмай. Ҳар хирфагарнинг бир бошқа бозори бор, бир-бирларига махлуд эмасдур, тавр расмедур, хўп нонволиклари ва ошпазлари бордур...”

«Аллоҳ яратган суюкли мамлакатларнинг ичида энг ширин, жаннатий мевалар Самарқанддадур» – деб ёзади қадимги араб географи ал-Истаҳрий.

Дунёга машҳур Самарқанд нонлари – шаҳар мўъжизаларидан бир “ушок”, холос. Унинг сирини билишга одамлар азалдан қизиққанлар. Бугун энг замонавий компьютер воситасида ҳам бу синоатни англаш мушкул. Одамларнинг қисқагина қилиб “дуо кетган”, дейишларини қандай тушунмоқ керак, илоҳий қудрат тупроқда, сувда ёки ҳаводами? Бошқа шаҳарларга ун, сув ва ҳатто тандирини ҳам олиб борилса-да, айнан шундай нонни тайёрлаб бўлмаслиги – азалий ҳақиқат. Қизиғи, санъат асари даражасидаги бу нонлар шаҳарнинг ҳамма жойида эмас, фақат маълум бир мавзесида ёпилади, холос.

Новвотранг Самарқанд қоғозини ҳам мўъжизалар сирасига кириштириш мумкин. Бу нафис, аммо пишиқ қоғоз сувда ивимаёди, титилмайди, ёзувларининг сиёҳи ёйилиб ва бўялиб кетмайди. Кўҳна ва бебаҳо китоблар, Соҳибқироннинг олий фармонлари ушбу Самарқанд қоғозидан битилган...

Бу маълумотлар – Самарқанд сеҳри, мўъжизалари ва бетакрор жамоли ҳақида хикоя қилишга уриниш, аниқроғи, жуда содда қайдлар, холос.

Замонавий фан хулосаларига кўра, ҳар бир одам ўзига хос электромагнит тўлқинлар таратади. Уни “аура” ҳам дейишади. Аурада ўша инсонга хос маълумотлар мужассам бўлади. Бинобарин, Самарқанд ҳавоси улуғ аждодларимиздан мерос илм-маърифат ҳамда иймон-этиқод нурларига тўйинган. Шу боис, ота-боболар экан дарахт, қурган иморатларини асраб-авайлаймиз, улардан куч-қувват ҳамда маънавий озуқа оламиз.

Бугун маълумотларни сақлаш ҳамда узатишнинг қулай ва мукамал воситалари кашф қилинди. Замонавий электрон маълумот сақлагич (флешка)ларнинг асосий қисми кремний (чакмоқтош)дан иборатлигини эсласак, тарихий қадамжолардаги теран маънавий муҳитни бир қадар англагандек бўламиз. Яқин орада тош ёки гиштга махсус асбобни улаб, ундаги маълумотларни “ўқиб олиш” имкони туғилса, ажаб эмас. Балки, оддий тошга монитorni улаб, олис тарихдаги воқеа-манзараларни кўриш имкони ҳам пайдо бўлар!



(Боши 1-саҳифада)

Сув – ер юзидаги барча тирик организмлар учун энг зарур ресурслардан биридир. У нафақат инсон ҳаёти, балки кишлоқ хўжалиги, саноат, экотизимлар ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун ҳам асосий манба ҳисобланади. Бугунги кунда дунё аҳолисининг кўпайиши, иқлим ўзгариши ва саноатнинг ривожланиши сувга бўлган талабни кескин оширмоқда.

Хозирги глобаллашув даврида дунё сув билан боғлиқ масли кўрилмаган муаммоларга дуч келмоқда. Хусусан, БМТнинг 2024 йилги Жаҳон сув ресурслари тараққиёт ҳисоботида кўра, дунё бўйича ичимлик сувнинг тахминан 70 фоизи кишлоқ хўжалигида, 20 фоизга яқини саноатда ва 12 фоизи маиший эҳтиёжлар учун ишлатилади. Ерости сувлари суғориш учун ишлатиладиган сувнинг 25 фоизини ва маиший эҳтиёжлар учун олинадиган сувнинг ярмини таъминлайди.

Сувга бўлган талаб асосан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва истеъмол одатларининг ўзгариши, айниқса, тез ривожланаётган мамлакатлар ва шаҳарлар ҳисобига ошмоқда. Дунё аҳолисининг ярми йилнинг маълум бир қисмида сув танқислигига дуч келади. Айрим ҳудудларда бу фақат бир неча ой давом этади, бошқалар эса йил давомида сув етишмовчилигидан азият чекмоқда.

Сув танқислиги ижтимоий барқарорликка жиддий таъсир кўрсатади ва жаҳондаги миграциянинг 10 фоизи сув тақчиллиги билан боғлиқдир. Бундан ташқари, 2,2 миллиард киши хавфсиз ичимлик сувига етарлича эга эмас, 3,5 миллиард киши санитария хизматларидан хавфсиз фойдалана олмайди. Бу муаммолар нафақат аҳоли саломатлиги ва фаровонлигига, балки жаҳон тинчлиги ва хавфсизлигига ҳам таҳдид солади.

Сайёрамиздаги тоза ичимлик суви захирасини асраш, ундан оқилона фойдаланиш, саноат ва ишлаб чиқариш жараёнини табиатга зарар етказмайдиган тарзда

“экологик тоза” инновацион услублар билан йўлга қўйиш ва турли таълим усулларида фойдаланиб, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш каби долзарб муаммоларга инсоният эътиборини қаратиш мақсадида ҳар йили 22 март – Бутунжаҳон сув куни сифатида дунёнинг деярли барча давлатларида нишонланади.

Бутунжаҳон сув кунининг тарихига назар соладиган бўлсак, 1992 йилда Рио Де Жанейрода ўқазилган БМТнинг “Атроф муҳит ва ривожланиш” конференциясида жаҳон миқёсида сув ресурслари кунини нишонлаш таклифи билдирилган. Бу борада БМТ Бош Ассамблеяси 1993 йили 22 февралда 47/193-сонли резолюцияни имзолади ва 22 март кунини “Бутунжаҳон сув куни” деб эълон қилди.

Эътибор беринг: 2025 йил БМТ томонидан “Халқаро музликларни сақлаш йили” деб эълон қилинган ҳам айни хайрли мақсадларга ҳамоҳангдир. БМТ маълумотларига кўра, музликларнинг эриши жиддий глобал муаммога айланган. Сўнгги 20 йил ичида Қозғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистонни қамраб олган Ғарбий Тянь-Шандаги музликлар 27 фоиз қисқарган. Қайд этилишича, музликлар 2 миллиардга яқин аҳолини сув таъминоти, кишлоқ хўжалиги ва гидроэнергетика билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. “Халқаро музликларни асраш йили”нинг мақсади музликларнинг аҳамияти ва уларни келажак авлодлар учун химоя қилиш зарурлиги тўғрисида хабардорликни оширишдан иборат.

Ушбу долзарб масалалар Марказий Осиё минтақасини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2050 йилгача сув ресурслари Сирдарё ҳавзасида 5 фоизгача, Амударё ҳавзасида 15 фоизгача камайиши тахмин қилинмоқда. Бинобарин, сув ҳавзаларига етказилган салбий таъсир натижасида бутун экологик тизим издан чиқишини Орол денгизи фожиаси мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Хозирда мамлакатимизда Орол денгизи фожиаси оқибатларини бартараф этиш бўйича кенг кўлам-

ли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, чанг бўронлари муаммосини ҳал қилиш учун Орол денгизи ўрнидаги 1 млн гектар майдонга 2030 йилга қадар тузга чидамли дарахт кўчатларини экиш ишлари режа асосида олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда 2020 йилда сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепция қабул қилинди. Бу ҳужжатдан кўзланган мақсад аҳолини ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини сув билан барқарор таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалигига бозор тамойиллари ва механизмларини ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, сув хўжалиги объектларининг ишончли ишлашини таъминлаш ҳамда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишдир.

Ушбу йўналишда 2017 — 2023 йилларда жами 1,2 млн. гектар майдонда, яъни кишлоқ хўжалиги экин майдонларининг қарийб 31 фоизида сув тежовчи технологиялар жорий этилди. Бу томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш, эгилувчан кувур, плёнка тўшаб суғориш каби технологияларни ўз ичига олади.

Сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш, шунингдек, кишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув ресурсларидан янада самарали фойдаланиш мақсадида аниқ чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Чунинчи, 2019 йилдан мамлакатимизда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим — субсидия ажратиш механизми йўлга қўйилди. Ушбу тизим 2022 йилдан бошлаб рақамлаштирилди.

Албатта, бу борада амалга оширилган вазифалар келгусида сув тежовчи технологияларни жорий қилган майдонлар кўламини сезиларли даражада ошишига имкон беради.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бугун барча жабҳада бўлгани каби,

сув хўжалиги соҳасига ҳам рақамли технологияларни жорий қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда 5 минг 479 та “Ақлли сув” тизими, насос станцияларига 1 минг 446 та онлайн назорат қурилмалари, мелиоратив кузатув қудукларига минераллашганлик даражасини онлайн назорат қилувчи 5 минг 55 та “Дайвер” қурилмалари ўрнатилди, 45 та йирик сув хўжалиги объектларининг бошқарув жараёни автоматлаштирилди.

Сув билан боғлиқ муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий асослари ўзгариб бораётгани сувга оид қонунчиликни қайта кўриб чиқиш заруратини вужудга келтирди. Шу сабабли 2025 йилда “Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва жорий йил 17 март куни Олий Мажлис Сенати томонидан томонидан маъқулланди.

Қонун мамлакатнинг сув хавфсизлигига эришишига хизмат қилади. Унда сув тақчиллиги кучайиб бораётган даврда барча иқтисодиёт тармоқлари ва атроф муҳитнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув инфратузилмаси ва суғориладиган ерлар ҳолатини яхшилаш каби масалалар қамраб олинган.

Мухтасар айтганда, бугун атрофимизда рўй бераётган сув билан боғлиқ экологик муаммолар барчамиз учун огоҳлик қўнғироғи ҳисобланади. Бундан ҳар биримиз тегишли хулоса чиқариб, сувни тежаш ва исроф қилмаслик тамойилини кундалик мезонимизга айлантиришимиз зарур. Зеро, глобал муаммолар, аслида, кичик эътиборсизликлардан келиб чиқишини унутмайлик. Бугун бизга ҳаёт ва завқ улашаётган тоза ичимлик сувидан келажак авлод ҳам биздек баҳра олишга ҳақли.

**Сухроб БОЗОРОВ,**  
**Инсон ҳуқуқлари бўйича**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Миллий марказининг Инсон**  
**ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро**  
**шартномаларни имплементация**  
**қилиш бўлими бош мутахассиси**



(Боши 1-саҳифада)

# НИКОХДАН АЖРАЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ

лиясига қайтмоқчи бўлса, бу ҳақда никоҳдан ажралганлик ҳақида гувоҳноманинг тегишли устунида кўрсатилади ва паспорти алмаштириши лозимлиги тушунтирилади. Ажралиш билан эр-хотиннинг, Оила кодексига назарда тутилган ҳоллардан ташқари, барча шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари тугайди.

Никоҳдан ажралиш ФХДЁ органида қайд этилиши эр-хотин олдида қонун билан белгиланган шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни келтириб чиқарса, никоҳдан ажралиш билан улар олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар асосан тугайди. Фақат қонунда белгиланган айрим ҳуқуқлар сақланиб қолади. Жумладан, эр-хотиннинг бир-биридан таъминот олиш ҳуқуқи.

Никоҳдан ажралиш сабабларига қараб, унинг ҳуқуқий оқибати ҳам турлича бўлиши мумкин. Масалан, никоҳ, ўлим ёки шахснинг белгиланган тартибда вафот этган деб топиш натижасида никоҳ тугаса, эр-хотин олдида таъминот олишга бўлган ҳуқуқ ҳам тугайди, мерос ҳуқуқи вужудга келади, ажралишда таъминот олишга бўлган ҳуқуқ келиб чиқиши мумкин.

Никоҳдан ажралиш сабаблари болалар билан ота-оналар олдидаги муносабатларга ҳам турлича таъсир қилади. Агар никоҳ ажралиш йўли билан тугаса, ота-оналар болаларга нисбатан бўлган мажбуриятларидан озод қилинмайди. Ҳаттоки, ота ёки онанинг бири болалар билан яшаш имкониятига эга бўлмаслиги ҳам уни бола тарбиясида қатнашишдан, ўз боласига таъминот бериб туришдан озод қилмайди. Ота-оналарнинг бири вафот этса болалари улардан мерос олишга, боқувчисини йўқотганлиги учун

нафақа олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Эр ва хотин никоҳдан ўтиш вақтидаги шахсий-номулкӣ ҳуқуқлар никоҳдан ажралганларидан сўнг ҳам амалда бўлиши мумкин. Масалан, никоҳга кириш даврида танланган умумий фамилия ёки собиқ эр (хотин) фамилиясида ёхуд ўз фамилиясида қолиши, ёхуд биргаликдаги никоҳдаги фамилиясини ўзгартириши мумкин. Қонун собиқ эр ва хотинга бундай ҳуқуқни берган, бироқ тарафларга бу мажбурият сифатида юкланган эмас.

Қоида бўйича эр-хотин бир-бирига вояга етмаган фарзандларига таъминот бериш мажбуриятлари уларнинг никоҳлари даврида ҳам, никоҳдан ажратилган вақтда ҳам, никоҳ тугатилганидан сўнг ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу ерда гап никоҳдан ажралиш натижасида юзага келадиган алимент мажбуриятлари ҳақида бормоқда. Вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун ота-онадан суд тартибда ундириб олинган маблағ бола 18 ёшга тўлгунга қадар тўланади. Бироқ, алимент олаётган вояга етмаган бола 18 ёшга тўлгунга қадар тўлиқ ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлиб қолса, масалан, 18 ёшга тўлгунга қадар никоҳга кириши туфайли эмансипация ҳолати бўлса, унинг таъминоти учун маблағ тўлаш тўхтатилади.

Юқоридагилардан ташқари, ижтимоий ва психологик оқибатлар ҳам катта аҳамиятга эга. Ажралиш, нафақат молиявий, балки эмоционал ва ижтимоий ҳолатга салбий таъсири бўлиши мумкин.

Гулҳаё ДЖУМАЕВА,  
Фуқаролик ишлари бўйича  
Шайхонтоҳур туманлараро судининг  
судьяси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасига биноан “Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар”. Ушбу асосий тамойил аввало, никоҳ тузишда ва никоҳдан ўтган эр-хотиннинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатини белгилашда, никоҳдан кейин ҳам муҳим аҳамиятга эга. Оилада эр-хотиннинг тенг ҳуқуқлиги оилавий муаммоларни ўзаро розилик билдириш ва келишилган ҳолда ҳал этиш учун имконият яратади. Оила қонунчилигига биноан, оилавий муносабатларда хотин билан эр баб-баробар шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларга эгадир.

Эр-хотин никоҳдан ФХДЁ ёки суд тартибда қонуний асосда ажралгандан сўнг, улар ўртасида никоҳ давомида юзага келган мулкӣ ва шахсий-номулкӣ ҳуқуқлар тўхтатилади. Никоҳдан ФХДЁ органларида ажратилганда никоҳ тугатилганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида эр-хотиннинг ҳар бирига никоҳдан ажралганлик ҳақида гербли гувоҳнома берилади. Никоҳдан ажратиш вақтида эр-хотиндан бири (олдиндан огоҳлантириб) иштирок этмаган ҳолларда, никоҳдан ажралганлик ҳақида гувоҳнома томонлардан бирига берилиши мумкин. Бундай гувоҳномада никоҳдан ажралганлик қайд этилган ва гувоҳнома берилган сана белгилаб қўйилади.

Агар эр-хотиндан бири никоҳгача бўлган фами-

## ЖАМИЯТ ТАНАСИДАГИ САРАТОН

**Ҳар бир мамлакат ривожланишидаги асосий тўсиқлардан бири бу коррупция бўлиб, у мамлакатнинг иқтисодий инкирозининг тезлашуви ва ижро ҳокимиятининг таназзулига олиб борувчи омиллардан бири саналади.**

Коррупция бугунги кунда дунё мамлакатлари томонидан кенг муҳокама қилинаётган ва ўз ечимини қутаётган асосий мавзулардан бири, десак ҳеч муболага бўлмайди. Бу иллат бутун инсониятга, барча жамиятлар асосига, иқтисодий тараққиётга зарба берадиган, қонун устуворлигини бузадиган ва халқнинг давлат сиёсатига ишончини кескин сусайтирадиган, демократик институтлар ривожига тўсиқлик қиладиган хатарли таҳдид эканлигини аллақачон ҳар бир жамият ҳаётида ўзини намоён қила олди.

Янги Ўзбекистон шароитида коррупцияга қарши кураш янги босқичга чиқди. Жамиятимиз тараққиётга раҳна солувчи бу иллатга қарши кураш, унинг олдини олиш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда.

Қайд этиш керакки, бозор иқтисодиёти қонунларга асосланган мамлакатларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат ва хусусий сектор иштирокчиларининг халқаро стандартлар, қонун ҳужжатлари ва бошқа замонавий усулларга мувофиқ самарали фаолият юритишини таъминловчи муҳим воситалардан бири, ўз таркибида коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат (комплаенс контрол) ишлари ташкил этилганлигидир. Бундан ташқари, бугунги кунда

ривожланган мамлакатларда коррупцияга қарши самарали курашиш учун давлат хизматчиларининг мол-мулки, даромадлари ҳамда катта ҳажмдаги харажатларини декларация қилиш мажбурий этиб белгилаб берилганлиги ва бу усул ҳозиргача дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатида жорий қилинганини таъкидлаб ўтиш лозим.

Хусусан, Сингапур, Швеция, Финляндия давлат ислохотларини коррупциянинг илдизига болта уриш билан бошлаганлиги ва бу борада тизимли равишда иш олиб боришни ўзларининг асосий вазифалари, деб белгилаганлиги учунгина жаҳонда коррупция даражасини ўрганувчи индексларда юқори поғоналарини эгаллаб келмоқда. Бу, албатта, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига, инвестиция муҳитига ижобий таъсир қилиб, давлатни ҳар томонлама ривожланишига олиб келмоқда.

Бугунги глобаллашув, минтақа ва давлатлараро интеграция жараёнлари ортиб бораётган бир шароитда коррупция чегара билмас долзарб муаммага айланиб улгурди. Коррупция келтириб чиқараётган оқибатлар мамлакатларни ич-ичидан емириб, демократик ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказиб, инсон ҳуқуқларининг қўпол равишда бузилишига, иқтисодий ривожланиш издан чиқишига, жамият ва давлат учун

ўта хавфли бўлган уюшган жиноятчилик ва терроризмнинг кенг ёйилишига имконият яратиб бермоқда.

Жаҳон иқтисодиёти бу офат туфайли йилига 1.5-2.6 триллион долларгача зарар кўраётганлиги бунга яққол мисолдир.

Унинг домига илинган инсон шахсий манфаатини давлат манфаатидан устун қўйиши оқибатида, давлатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётига ҳамда шу давлатда яшаётган аксарият инсонларга тузатиб бўлмайдиган зарар етказилади.

Ҳақиқатан, коррупция муаммоси бугунги кунда дунё микёсида ўз ечимини талаб этаётган асосий масалалардан биридир. Шу боис ҳам, жаҳон ҳамжамияти бу иллатга қарши кескин курашмоқда. Бу йўналишда БМТ ҳомийлигида Коррупцияга қарши курашиш резолюцияси, Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқ кодекси, Халқаро тижорат ташкилотларида коррупция ва порахўрликка қарши курашиш декларацияси, Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси, Коррупцияга қарши конвенцияси каби қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Мамлакатимизда ҳам коррупцияга қарши курашиш изчиллик билан олиб борилмоқда. Аслида бу иллат бизнинг халқимизга, одоб-ахлоқи, турмушига ёт бўлиши керак бўлган тушунчадир. Чунки аждодларимиз авлодларга ҳалоллик, поклик, бировнинг ҳаққидан тийилиш кераклигини доимо сингдириб келган. Давлатимиз раҳбарининг “Ҳаммамиз ягона куч бўлиб ҳаракат қилсак, албатта, катта ижобий самарага эришамиз. Шу

боис маҳалла фаоллари, нурунийлар, зиёлилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият ходимлари, тadbirkorлар, таникли шахслар, раҳбарлар, депутат ва сенаторлар – умуман бутун жамоатчилик бирлашиб, коррупцияга “жамият танасидаги саратон” сифатида қараши керак”, – деб айтган сўзлари бежизга эмас, албатта.

Шарқона ва миллий нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак коррупцияга қарши курашиш оиладаги муҳит ва таълим-тарбиядан бошланади. Чунки ҳаётда нима ҳалолу нима ҳаром эканлиги фарзандларимизга ота-оналар ва устозлар ўғити билан сингдирилади. Жумладан, Абдурауф Фитратнинг куйидаги фикрлари бунга яққол далилдир: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-хурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва кул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”.

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг, ички ахлоқий-руҳий маслагига ва эътиқодига айланмоғи лозим. Зеро, бу мамлакатимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга, ривожланиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилсин.

Нурсултон МИРЗАЛИЕВ,  
Асқарали УТЕШОВ,  
Жамоат хавфсизлиги университети  
ўқитувчилари

2025 йил 5 март куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказилди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида бугунги кунда мамлакатимизда амлага оширилаётган ислохотлар ҳақида фикр юритар экан, бу борада юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича ишларга баҳо бериб, келгусида амалга оширилаётган вазифаларни аниқ белгилаб олиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Президентимиз қайд этганидек: “Давлат ва жамият ривожига, халқнинг адолатга бўлган ишончига жиддий путур етказадиган хавф – коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кескин курашиш борасида ҳам аниқ чоралар қўрилганини алоҳида таъкидлаш лозим”. Зеро, мазкур иллат демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказиб, инсон ҳуқуқлари бузилишига замин яратади.

Бугунги кунда дунё мамлакатлари тараққиётига жиддий таҳдид сифатида намоён бўлаётган коррупция оқибатида дунё иқтисодиёти йилига 3 триллион доллар зарар кўраётир. Дунёвий тараққиётдан маълумки, ушбу иллатнинг энг хавфли томони, у халқнинг давлатга, Конституция ва қонунларга бўлган ишончини йўқотиб, ҳар қандай мамлакатни амалдаги барқарор ривожланиши ва хавфсизлиги учун жиддий таҳдид солади. Давлатимиз раҳбари мазкур йиғилишда мамлакатимизда бу борада кейинги йилларда мазкур иллатга қарши курашиш бўйича бир қанча қонунлар қабул қилиниб, янги тизим яратилгани, Парламент палаталарида масъул кўмиталар, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва Агентлик ташкил этилганлигини билдириб ўтди. Ушбу мавзу иллатни журналистлар учун мутлақо ёпиқ эканлигини, ҳозирги вақтда мавжуд ҳолат очиклик ва шаффофлик томонга бутунлай ўзгарганлиги айтиб ўтилди.

Мазкур иллатни таг-томири билан қуритиш учун, аввало, инсон омили ва қоғозбозликни камайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги, аҳолига ер бериш жараёнида фуқаролар ҳоким ва ўнга яқин идоралар ўртасида сарсон бўлаётганлиги, қисқа қилиб айтганда, бу соҳа коррупция “ўчоғи”га айланганлиги билдирилди. Айниқса, қурилиш энг коррупциялашган соҳалардан бири эканлигига алоҳида урғу қаратиб ўтар экан, соҳада “Шаффоф қурилиш” дастури жорий этилганидан кейин бу йўналишда ҳам ижобий ўзгаришлар сезилаётганлиги таъкидланди. Натижада, инвестиция дастурига кирган объектларни қурадиган пудратчилар сони иллатнинг мингтага ҳам етмаганлигини ва ўтган 2024 йили 13,5 мингта объект қурилишида 4 мингдан зиёд пудратчи иштирок этганлиги ва соҳани рақамлаштириш ҳисобига ўтган

## Виждон иши

4 йилда 3,6 триллион сўм бюджет маблағи тежалганлиги таъкидланди. Давлатимиз раҳбари ҳозирга қадар, мазкур соҳада бюрократия ва қонун бузилиш ҳолатлари кўпайиб кетаётганлигини ташвиш билан таъкидлаб ўтди. Бу борада, мазкур иллатга қарши курашда кадрларда фидойилик, иллатларга қарши курашишда ҳамжихатлик етишмаётгани бу борадаги энг катта камчилик сифатида кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга ушбу иллатга қарши курашда ҳуқуқ-тартибот идоралари асосан коррупцияни аниқлаш ва жазолаш билан ишлаб, коррупциявий омилларни таг-томири билан йўқотадиган превентив чораларни эътиборсиз қолдираётгани, коррупциявий омилларни бартараф этишда уларнинг ўрни ҳам, масъулияти ҳам сезилмаётгани қайд этиб ўтилди. Президентимиз шулар қаторида Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг бугунги фаолиятига алоҳида тўхталиб, соҳага кескин эътироз билдириб ўтди. Яъни ҳозирги кунда мазкур агентлик ходимлари томонидан вазирликларга, ҳудудларга бориб, аниқ бир соҳани таҳлил қилиб, муаммоларга ечим бериш ўрнига, қўзғатилган жиноят ишларини санайдиган қуруқ статист бўлиб қолгани таъкидланди.

Мазкур агентлик фаолиятини қайта кўриб чиқиш борасида соҳада жиддий ва кескин ислохотлар ўтказиш лозимлиги билдириб ўтилди. Давлатимиз раҳбари бу борада Бош вазир соҳани янада ислох қилиш ва иш фаолияти самарадорлигини ошириш борасида вазирлик ва идоралардаги “коррупцияга қарши ички назорат” тузилмалари раҳбарларини ишдан олиш ва уларнинг ўрнига ҳалол, фидойи ва профессионал кадрлардан қўйиш вазифасини юклади. Шу билан бирга, вазирликларнинг ҳудудий комплекслар ходимларини бевожита вазирнинг ўзи ишга қўйиши, ўзига сиёсий масъулият олиб, бутун тизимидаги коррупция учун шахсан жавоб бериш вазифаси белгиланди. Мазкур ислохотларни амалга оширишда антикоррупцион агентлигининг иш услуби мутлақо ўзгаришини тажриба тариқасида Соғликни сақлаш, Қурилиш, Сув хўжалиги вазирликлари, “Ўзбекнефтгаз” ва

“Ўзсувтаъминот”нинг комплекслар назорати агентлига ўтказилиши қайд этилди. Ушбу соҳада амалга оширилган ишлар бўйича йил якуни билан бу вазирликларда қанча коррупциявий омилларни бартараф қилгани, одамларга қандай енгилликлар бўлгани ҳақида Миллий

ёшлигидан синдириб борилмоғи лозим. У тарбия ва таълим кўринишида амалга оширилади. Демак, ҳар бир одам ўз ишини ҳалол, давлат хизматини холис бажарса, у “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланган бўлади. Ана шундай иммунитетни шакллантириш вазифаси, аввало,



кенгашда ҳисобот бериш вазифаси белгиланди.

Хорижий мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, коррупцияга қарши курашни фақатгина давлат ҳокимияти органлари, жумладан, фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар зиммасига юклаб қўйиш коррупция кўламининг қисқаришига эмас, аксинча, кенгайишига олиб келган.

Қайд этиш жоизки, коррупция бугунги кунда жуда хавфли иллат сифатида халқимизни давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотларга бўлган ишончини сўндириши, жамиятда норозилик кайфиятини кучайтириши, яширин иқтисодиётни ривожланишига ҳамда жамият ва фуқаролар хавфсизлигига таҳдид солаётганлиги ўта хатарлидир.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг раҳбарлигида коррупцияга қарши самарали кураш олиб боришни ташкил этиш, жамиятда коррупцияга тоқатсизликни шакллантириш, давлат хизматчиларида ҳалоллик вакцинасини ошириш, бу иллатга қарши жамиятимидаги барча соҳаларда чек қўйиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган кенг қўламли ва тизимли ислохотлар жадал равишда амалга оширилмоқда. Бу борада мазкур иллатга қарши кураш ва унинг олдини олишда давлат хизматига профессионал ва фидойи кадрларни танлаш ҳамда уларни “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлашдан бошланади.

Бугунги кунда юртимиз тараққиёти учун жиддий тусиқ бўладиган коррупция илдизларига болта уриш, ҳар бир инсон ўз олдига ҳалолликни бош вазифа қилиб қўйиш лозимлигини, ҳалол бўлмаган одамларни мажозий маънода, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш зарурлигини аңлатади. Шу ўринда савол туғилади: “хўш, “ҳалоллик вакцинаси” нима ва у қандай эмланади?” Назаримизда, “ҳалоллик вакцинаси” инсон онги ва қалбида шаклландиган коррупцияга қарши нафрат туйғуси ва фаол қаршилигида намоён бўлади. Ҳар қандай инсон онгига “ҳалоллик вакцинаси”

ота-оналар, мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари ходимлари, турли даражадаги раҳбарлар, шунингдек, халқимизнинг зиёли, маънавиятли қисми зиммасига юкланади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мазкур иллатга қарши курашда “ислохотларимиз натижадорлиги аввало, садоқатли, фидойи ва коррупцияга тоқатсиз янги авлодга бевосита боғлиқ. Бу ишда фикри тоза ёш авлодни тарбиялаш устувор вазифага айланиши шарт” эканлиги қайд этилди. Шу мақсадда юртимиздаги мактаб директорлари томонидан “Тарбия” фани доирасида ўғил-қизларимизга ҳалоллик, бировнинг ҳақиқа хийнат қилмаслик каби эзгу ғояларни содда тилда тушунтириб бориш кераклиги таъкидланди. Олий таълим муассасалари ректорлари талаба ва ёшларнинг коррупцияга қарши лойиҳалари, стартап ва инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйиши зарурлиги қайд этилди.

Юртимиз раҳбари давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишда беш устувор йўналишдан бири сифатида коррупциядан холи, адолатли суд тизимини яратиш долзарб вазифа эканлигига алоҳида эътибор қаратган эди. Бу ҳам энг аввало, мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичини ривожлантиришга замин яратади. Зеро, “коррупция – келажакка таҳдид” деган ғоя асосида Янги Ўзбекистон ёшлари қалбидан жой оладиган тизим яратиш энг аввало, мамлакатимизнинг янада тараққий этишида муҳим ўрин тутди.

**Мансур МУСАЕВ,**  
Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузурдаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи, сиёсий фанлари доктори (DSc), катта илмий ходим,  
**Бердимурод ХОЛБЕКОВ,**  
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бош мутахассиси



## ЎЗБЕКИСТОН – ФРАНЦИЯ, САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Франция Республикасига давлат ташрифи жаҳон сиёсий майдонида мамлакатимизнинг обрў-эътибори юксалиб бораётганининг амалий ифодаси бўлди.**

Президентимизнинг Францияда катта ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олинганлиги, Франция етакчиси Эммануэль Макроннинг давлатимиз раҳбарини Франциянинг олий мукофоти – Фахрий Легион ордени билан тақдирлаши юксак эътироф намунаси бўлди.

2016 йилдан кейин дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторида Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳам янги босқичга кўтарилди. Сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳаларда ишончли ҳамкорлик изчил давом этиб келаяпти.

Биргина ишлаб чиқариш саноатини оладиган бўлсак, Франциянинг “Orano”, “EDF”, “Total”, “SUEZ”, “Volitalia”, “Veolia” каби бир қанча етакчи компаниялари мамлакатимизда фаолият олиб бораёпти.

Президентимизнинг Францияга давлат ташрифи доирасида кўплаб соҳалар бўйича ўзаро манфаатли битимлар имзоланди. Бунда олий таълим тизими ҳам эътибор қаратилди. Ёшларни юқори тажрибали мутахассислар бўлиб етиштирилиши мақсади

да олий таълим учун ҳам инвестициялар жорий этилганлиги, Тошкент шаҳрида Ўзбекистон – Франция университетининг ташкил этилиши тарихий воқеа бўлди.

Франциянинг жаҳонга машҳур 4та нуфузли университетлари билан Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Давлат Техника университети ҳамда Ўзбекистон Давлат Транспорт университети ҳамкорликда консорциум шартномаси тузишди.

Ўзбекистон - Франция университетида, аввало, келажакда юртимизда математика, биоинформатика, муҳандислик, муқобил энергия, француз тили ўқитувчиси каби соҳалар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш кўзда тутилган.

Келажакда ўз соҳасининг тажрибали мутахассислари сафи кенгайиб борса, инновацион лойиҳалар амалда тадбиқ этилади. Янги технологиялар мамлакатимиз саноати ривожланишига хизмат қилади. Табиийки,



саноат ривожланса, иқтисодиёт юксалади.

Янги ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон – Франция университети қизиқувчан ёшларни ўз бағрига қорлайди.

Бу эса икки мамлакат таълим йўналишидаги самарали ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир.

**Абдуҳаким МАМАНАЗАРОВ, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали раҳбари ўринбосари, педагогика фанлари доктори, доцент.**

## Муассис:

Ўзбекистон  
Республикаси  
Экология,  
атроф-муҳитни  
муҳофаза қилиш  
ва иқлим  
ўзгариши  
вазирлиги

## Таҳрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ  
Акмал САИДОВ  
Ақтам ҲАЙИТОВ  
Қамолддин  
ИШАНХОДЖАЕВ  
Даврон ВАҲОБОВ  
Отабек ҲУСАНОВ

**Бош муҳаррир  
Мақсуд  
ЖОНИХОНОВ**

“Шарқ” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-310  
Адади: 1600

Пайшанба куни чиқади.

Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 2 босма табок.

Баҳоси келишилган нархда.

Газета Ўзбекистон  
матбуот ва ахборот  
агентлигида

2006 йил 0010-рақам билан  
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик  
жихатдан сифатли чоп  
этилишига “Шарқ”  
нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
масъул.

Маълумот учун  
телефонлар:  
99-994-70-52  
98-111-48-29

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz

Газета индекси – 131  
“ЖАМИЯТ”дан олинган  
маълумотларда манба  
сифатида газета номи  
кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6

## “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЭКОЛОГ” ФАХРИЙ УНВОНИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

**2025 йилнинг 19 март куни Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган эколог» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисидаги 1048-сонли Қонуни қабул қилинди.**

Қонунга кўра, юртимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини ривожлантириш, табиатни, биологик хилма-хилликни асраш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклашга муносиб ҳисса кўшган ва бу борада кўзга кўринарли натижаларга эришган экофаоллар мазкур унвон билан тақдирланади.

Шунингдек, унвон экологик тоза ва инновацион технологияларни ишлаб чиқишда ҳамда амалиётга жорий этишда, яшил ҳудудларни кенгайтириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида алоҳида ташаббус кўрсатган, аҳолининг экологик ма-

даниятини ошириш, ёш авлодни табиатга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда тизимда юқори малакали кадрларни тайёрлаш борасида фидокорона меҳнат қилаётган мутахассис-ходимлар ва соҳа вакиллари, шунингдек, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини олиб бораётган экофаолларга ҳам берилади.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган эколог” фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида”ги қонун экология ва атроф муҳитни муҳофаза



қилиш соҳасида фаолият юритаётган ходимлар фаолиятини рағбатлантиришга ва нуфузини оширишга хизмат қилади.

Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради.



*Илк тасаввур ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди. Чунки у ташиқи – зоҳирий кузатиш натижасида туғилади. Моҳиятни англаш эса осон эмас. Ҳатто бир умр англамаслик ҳам мумкин. Асл тасаввур ҳақиқатнинг муайян қиррасини билишдан боиланади. Биз, одатда, одамларга ташиқаридан баҳо берамиз. Уларнинг ички дунёсини, сийратини кўп ҳам билвермаймиз. Билганимизда эса аксар ҳолларда зоҳирий тасаввуримиз ботинда яширин асл ҳақиқатга мувофиқ эмаслиги аён бўлади. Маматқул Ҳазратқуловни дастлаб кўрганларимда балки бўйдорлиги ва арбобларга хос юриш-туриши сабабми, димоғдор, унча-мунча одамни писанд қилавермайдиган киши бўлса керак, деб ўйлаганман. Бундай тасаввур уйғонишига балки унинг юқори идораларда ишлагани, давлатнинг бош ахборот ташиқлотини кўп йиллар бошқаргани сабабдир.*

2023 йил ёзида ёзувчиларнинг Зоминдаги ижод уйида Маматқул ака, халқимизнинг атоқли ва ардоқли ижодкорлари Эркин Аъзам, Усмон Азим ва Абдуқаюм Йўлдошев билан бирга дам олдик. Ҳар кунги адабий-маърифий гурунглари, ўзаро мулоқотлар жараёнида у киши ҳақидаги тасаввурим мутлақо ўзгарди. Чинакам самимий ва олижаноб, суҳбати дилкаш, камтарин инсон экан. Ҳикоя ва қиссалари, мақолалари ва эсселарини ўқигач, унинг тафаккури теран, нигоҳи ўткир, сўз ва қалам масъулиятини чуқур ҳис этадиган ижодкор эканини билдим.

Ижодкорнинг “Қирғоқсиз дарёлар” деб номланган янги китоби таркибий тузилиши жиҳатидан ҳам, унда жамланган эсселарнинг бадиий-публицистик қимматига кўра ҳам, ифода услубининг ўзига хослиги билан ҳам эссечилигимиз ривожда алоҳида ўрин тутди. Китоб “Адабиёт дарёлари”, “Санъат дарёлари”, “Тўлиб оқаётган дарёлар” ҳамда “Қардошим – Озарбойжоним” сингари тўрт бобдан таркиб топган. Одамзоднинг кўз очиб кўрган энг азим дарёси она дейилса, асло муболаға бўлмас. Ушбу дарёнинг меҳр тўлкинларидан баҳра олган, уни кадрлаган ва эъзозлаган инсон эса камолга эришмай қолмайди. Шу маънода, ушбу китоб муаллифнинг онасига бағишланган эссе билан очилишида теран рамзий маъно бор. “Уммон юзидаги чўп” сарлавҳали ушбу эссе: “Мен туғилганимда энам ўттиз саккиз ёшда бўлганлар. Энам вафот этганларида мен ўттиз саккиз ёшда эдим. Энажоним бу фоний дунёдан боқий дунёга йўл олганларига бугун ўттиз саккиз йил бўлди... Демак, ҳозиргача яшган умримнинг биринчи ўттиз саккиз йили энам билан ўтди, кейинги ўттиз саккиз йил жудоликда ўтмоқда”, деган сўзлар билан бошланади. Бу ҳол муаллифнинг меҳрибон ва мушфиқ онасини мутгасил ўйлашидан, унинг меҳр тўла сиймоси мудом кўз ўнгида туриши ҳамда қалбини ҳар доим соғинч ҳисси ўрташидан дарак беради. Онанинг “...гапга чечан, эртақ-маталларни кизикарли айтган, ҳазил-мутойибага мойил..., гапиришлари ўктам” бўлганидан Маматқул акадаги истеъдоднинг манбасини англаш мумкин.

Эсседа онаизор Ургутда ёки Тошкентда, қаерда бўлмасин, қалби фарзандларига меҳрдан тўлиб-тошган, ўғли хабар бермай, ўртоқлари даврасида қолган кечада тонггача мижжа қокмай, кўзларини эшикка тиккан: “Э, Художон, боламини ўзинг паноҳингда асра”, деб илтижо қилган ҳолатда тасвирланади. Бир оғиз хабар бермаганидан пушаймон бўлган ўғил кечирим сўраганда: “Бўлди, болам, ўзингни

## Адабиёт ва санъат дарёлари ҳақида кўшиқ

бос. Нима гуноҳ қилдингки, кечирим сўрайсан”, дея оний лаҳзада чеккан изтиробларини унутиб, дилбандига меҳр изҳор этади. Муаллифнинг онасига бўлган юксак эҳтироми, унинг олдидаги қарздорлик туйғусини қалбдан ҳис этиши, энг муҳими, буни эсседа ўқувчи онги ва кўнглига чақмоқдек таъсир этадиган тарзда маҳорат билан ифодали олгани таҳсинга лойиқдир.

Маматқул Ҳазратқуловга ҳавас қилмаслик имконсиз. Негаки, у замонамизнинг энг улуғ шоиру адиблари, атоқли ва ардоқли санъаткорлари даврасида юрган, улар билан яқиндан мулоқот қилган. Ёш кезлариданоқ уларнинг эътиборига тушган, эътирофни қозонган. Китобнинг “Адабиёт дарёлари” бобида Миртемир ва Асқад Мухтордан Одил Ёқубов ва Абдулла Ориповгача, Барот Бойқобилов, Ўлмас Умарбеков ва Ғайбулла ас-Саломдан Кибриё Қахҳорова ҳамда Ваҳоб Рўзиматовгача, Тохир Малик, Машраб Бобоев ва Асад Дилмуроддан, Саъдулла Ҳаким, Отаёр ва Низом Комиловгача бўлган марҳум ижодкорлар ҳақидаги эсселарда уларнинг портрети ва характери, ижодининг етакчи хусусиятлари ва муаллиф билан мулоқотларига доир ёрқин хотиралар қалб кўри ва ижодий тафаккур уйғунлигида қаламга олинган.

“Санъат дарёлари” бобида Лутфихоним Саримсоқова ва Олим Хўжаевдан Шукур Бурҳонов ва Ҳалима Носировагача, Наби Раҳимов, Мукаррама Турғунбоева ва Зикир Муҳаммаджонновдан Ботир Зокиров, Фахриддин Умаров ва Берта Давидовагача, улардан Маҳмуджон Тожибоев ва Қизлархон Дўстмухамедоваю Шерали Жўраевгача бўлган санъат дарғалари умр йўли ва ижоди, ҳаётини аъмоли ва халқимиз назарига тушиши сабаблари, ўз соҳасининг улкан намояндаси даражасига етишиш омиллари завқ-шавқ билан ёритилган.

“Тўлиб оқаётган дарёлар” бобида бугунги адабиётимиз ва санъатимизнинг машҳур вакиллари Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам, таникли адиб Абдуқаюм Йўлдошев ва атоқли рассом Акмал Нур сурати ва сийрати, ижодий камолоти сирлари, муаллиф билан ўзаро муносабатлари хусусида теран фикрлар ва самимий эсдаликлар битилган. Китоб муталааси ва китобхонлик маданиятининг миллатимиз ҳаётида тутган ўрни, ёш авлод тақди-

ридаги аҳамияти, бу борадаги ютуқлар ва муаммолар тўғрисида таҳлилий фикрлар билдирилган.

“Қардошим – Озарбойжоним” сарлавҳали тўртинчи бобда озарбойжон халқининг дунёга машҳур адиби Анар муаллим ва шуҳратли санъаткори Заънаб Хонларова ҳақидаги эсселари ҳамда Боку сафарномаси ўрин олган. Китоб мундарижасининг ўзидек Маматқул Ҳазратқулов қандай улуғ дарёлардан сув ичгани, халқимиз кўнглидан чуқур жой олган не-не буюк шоиру адиблар ҳамда санъат намояндалари даврасида бўлгани ҳақида ёрқин тасаввур беради.

“Қирғоқсиз дарёлар” китобида эссе қахрамонларининг ижоддаги ютуқлари таъсирли ёритилган. Маматқул Ҳазратқулов бу орқали фақат ёзувчигина эмас, интизомли ва синчков ўқувчи, мумтоз мақомлару миллий ашулалар дейсизми ёки рақс ва тасвирий санъатми – барчасини нозик ҳис этувчи санъатшунос ҳам эканини исботлаган. Адабиёт дарғалари ёки санъат намояндалари ҳақида ёзганда, муаллифнинг ўша шоиру адиб ёки санъаткор ижодини нечоғлиқ пухта билиши, теран ҳис этиши ҳамда юқори эстетик мезонлар асосида баҳо бера олиши ушбу фикрни тасдиқлайди. Биргина мисол. Ўлмас Умарбековнинг ёзувчи сифатида ўзбек адабиётида тутган ўрнини муаллиф қуйидагича ифодалаган: “Ўлмас Умарбеков ҳаётининг сўнгги давларигача сира ўзгармади, оддийлигини, самимиятини, камтарлигини йўқотмади, хою-ҳавасларга берилмади, манманлик, кибру ҳаво кўчасига умуман яқинлашмади. Яна бир хислати – қайси лавозимда ишламасин, ижоддан узоқлашмади, бир неча романлар, қиссалар, пьесалар, ҳикоялар, киносценарийлар ёзди. “Одам бўлиш қийин” романи, “Севгим, севгилим”, “Ёз ёмғири”, “Дамир Усмоновнинг икки баҳори” қиссалари ўқувчиларнинг севимли асарига айланди. “Қиёмат қарз”, “Шошма, куёш”, “Комиссия”, “Кузнинг биринчи кунни”, “Оқар сувлар”, “Курорт”, “Аризасига кўра”, “Ер ёнмоқда” пьесалари Миллий театримизда ва бошқа кўплаб театрларда саҳнага қўйилди, томошабинлар, санъатшунослар эътирофига сазовор бўлди”.

Қойил қоларли жиҳати, Маматқул Ҳазратқулов бадиий асарни нечоғлиқ теран англаб, чуқур таҳлил этса,

мақомларни, тасвирий ва рақс санъатини тушуниш даражаси ҳам ундан заррача кам эмас. Унингча, ҳар бир рақсда муайян ҳаёт фалсафаси ифодаланади. Қизлархон Дўстмухамедова ижодига муаллиф алоҳида қизиқиш билдирган. Негаки, бу раққосанинг санъати ноёб ва тақрорланмас эканини теран мушоҳада этган. “Унинг рақсларида ўзбек қизларининг барча фазилатлари мужассам бўларди, – деб ёзади у. – Бу рақслар диққат билан кузатилса, майин, жуда ёқимли, сеҳрли товушда нималарнидир қуйлаётгандай таассурот қолдирар эди.

Раққосанинг ҳаракатлари гоёт жозибали, сеҳрли кўринар, энг муҳими, кўл, оёқ ҳаракатлари, мимикаси маъно ташир, бирон-бир ортиқча ҳаракат, асосийси, бачканалик сезилмасди”. Адиб раққосанинг санъатни кадрлаш баробарида оилавий ҳаётга бўлган масъулияти баланд бўлгани ҳақида ёзади. Унинг рақс санъатини юксалтиришдаги хизматларига доир журналист ва раққоса мулоқоти, айниқса, алоҳида қизиқиш билан ўқилади.

Тасвирий санъатни сўзсиз, сассиз кўшиқ деб атаган адиб Акмал Нур асарлари замирига сингдирилган туб маънони англаш заруратини алоҳида таъкидлайди. Мусаввир асарлари рамзлар асосига қурилгани, уларнинг бирида бўртиброк, бирида орқа планда, бошқасида ёрқин, яна бирида хирарок тарзда аксар нон, олма, анор, балиқ деталлари акс этишини аниқлайди. Улар ҳаёт мазмунини, яъни, нон – ризқ-насиба, олма – муҳаббат, анор – оила, балиқ – поклик рамзини ифодалашига, ўзбек оиласи учун бу туйғулар нечоғлиқ муҳимлигига диққат қаратади. Шу асосда рассом асарлари ҳаётнинг матодаги ифодаси экани ҳақидаги тўхтамага келади.

Бу каби фазилатлар адиб эсселарининг эстетик қимматини оширади. Фақат ижодий кузатишнинггина эмас, илмий тафаккурнинг ҳам ёрқин самараси экани уларнинг аҳамияти баланд бўлишини таъминлайди.

Ушбу эсселар тўпламининг яна бир муҳим фазилатини алоҳида таъкидлаб кўрсатмоқ зарур. Бу – ифода услубининг индивидуаллиги. Маматқул Ҳазратқуловнинг фикрни ифодалаш услуби ҳеч бир ижодкорни тақрорламайди. Адиб услуби бадиий тасвир воситаларининг санъаткорона қўлланиши, ижодий ва илмий тафаккур синтези асосига қурилгани, сўз, жумла ва гапларнинг худди кўшиқ каби муайян оҳангда табиий ва равон ифодалангани каби жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туради.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу китобдаги эсселар адабиёт ва санъат дарёлари ҳақидаги кўшиқдай ўқувчининг руҳига оқиб қиради, кўнгилини губорлардан тозалайди, тафаккурни чархлайди, қалбларни эзгу туйғуларга ошно этади. Атоқли адибимизни ҳаёт фалсафасига йўғрилган ушбу қимматли асар билан қутлаймиз ҳамда ундан ижодий тахайюл ва эстетик тафаккур уйғунлигидаги янги ижод намуналарини кутиб қоламиз.

**Нурбой ЖАББОРОВ,**  
Филология фанлари доктори,  
профессор